



“Тасдиқлайман”

“Urganch xalqaro aeroporti” МЧЖ

direktori birinchi o'rinbosari

Agabullayev R.A.

2022й

Электрон аукцион орқали автотранспорт воситаларини сотишдан олдин  
уларни баҳолатишда баҳоловчи ташкилотни танлаб олиш учун

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

### Танловхужжатларинингмазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома.
- II. Техник қисм.
- III. Нархлар қисми.

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.

1. Танлов предмети: “Urganch xalqaro aeroporti” МЧЖга тегишли бўлган транспорт воситаларини электрон аукционда сотиш олдидан уларни баҳолаш.

1.2. Танлов қиймати 5000000 сўм атрофида. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Хизматлар бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб жорий йил якунигача.

1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтгазилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Urganch xalqaro aeroporti” МСНЖ (бундан кейин -“Буюртмачи” деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Хоразм вилояти Урганч тумани Чаккашоликор қишлоғи Уч кўприк маҳалласида жойлашган E-mail [info.ucg@uzairports.com](mailto:info.ucg@uzairports.com), [WWW.uzbairports.uz](http://WWW.uzbairports.uz).

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловла ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссия томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган Муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банкка долатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала Хуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; Ўз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари туғрисидаги маълумотлар; Танлов объектида уз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам булмаган ҳолда); Низом маблағи микдори.

3.2. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолияти қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.3 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молилий карамлиги мавжудлар.

#### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон курунишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим,

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилишилозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир ва рангли муҳрлаб тасдиқланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.4. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси фақат битта таклиф бериши мумкин; такдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади; таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтари олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим,

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари туғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор бўлиши буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатлар ҳақиқийлиги ва туғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишии, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди, Бунда ушбу танловда таклифлар бериш

тугайдиган муддат узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга

Ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар улариинг мазмуни мохиятини узгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюргмачисига танловни натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.

МТХ бошлиғи:



Мадрахимов Б.Ж.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Urganch xalqaro aeroportı” MSNJ  
direktori birinchi o’rinbosari

Agabullayev R.A.

“ 13 ” 2022йил



“Urganch xalqaro aeroportı” MSNJ Электрон аукцион орқали автотранспорт воситаларини сотишдан олдин уларни баҳолатишда баҳоловчи ташкилотни танлаб олиш учун техник топширик.

| № | Асосий маълумотлар                        | Бажарувчи  |
|---|---|--|
| 1 | Объект номи                               | “Urganch xalqora aeroportı” MSNJ   |
| 2 | Буюртмачи                                 | “Urganch xalqora aeroportı” MSNJ   |
| 3 | Буюртмачи талаби                          | “Urganch xalqaro aeroportı” MSNJ Электрон аукцион орқали автотранспорт воситаларини сотишдан олдин уларни баҳолатишда баҳоловчи ташкилотни танлаб олиш |
| 4 | Объектни жойлашган манзили                | Урганч туман Чаккашоликор қишлоғи Уч кўприк маҳалласи .  |
| 5 | Қатнашувчилар учун талаблар               | Тегишли вазирликдан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда лицензияга эга бўлиши лозим.  |
| 6 | Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари | Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, низом, раҳбар паспорт нусхаси  |
| 7 | Бажарилган ишлар ҳисоб китоби             | Баҳоланган автотранспорт сони ва турига қараб тўлов тўланади   |
| 8 | Хизмат тури                               | Автотранспорт воситаларини иккиламчи бозор таннархидан ошмаган ҳолада аниқ қийматини чиқариш   |
| 9 | Хизматни бажариш муддати                  | Ўн иш куни мобайнида   |

|    |                                     |  |
|----|-------------------------------------|--|
| 10 | Техника хавфсизлиги буйича талаблар | Республика ММ ва ТХ қонунчилигига мувофиқ бўлиши зарур |
| 11 | Молиялаштириш манбаи                | УЗРТСБ   |
| 12 | Бажариладиган хизмат қиймати        | 5 000 000,00 сум. (Етти дона транспорт воситаси учун)  |

**МТХ бошлиғи:**



**Мадрахимов Б.Ж**